

ТИЛ НАЗАРИЯСИ

СИНХРОНИЯ ВА ДИАХРОН ТИЛ ТАДҚИҚОТИ

МИСЛИ КЎМАКЧИСИНИНГ СЕМАНТИК-СИНТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ



Мардон Меҳмонович РАҲМАТОВ
филология фанлари номзоди, доцент
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети
mard66@mail.ru

Аннотация

Мисли сўзи вазифадош кўмакчи ҳисобланади ва у насрий асарларда асосан очик структурали уюшиқ бўлақлар олдида қўлланган ва қурилмани шакллантирган. Кўмакчили қурилма бевосита ўзи синтактик алоқага киришган гап бўлагидан сўнг ёки жумла охирида келиб, ўзбек тилидаги *каби*, *сингари* кўмакчилари ифодалаган маънода қўлланган.

Калит сўзлар: вазифадош кўмакчи, кўмакчили қурилма, гап бўлаги, уюшиқ бўлақ, актуал бўлакланиш, тема, рема.

СЕМАНТИКО-СИНТАКСИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СЛУЖЕБНОГО СЛОВА МИСЛИ

Мардон Меҳмонович РАҲМАТОВ
Кандидат филологических наук, доцент
Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы им. Алишера Навои
mard66@mail.ru

Аннотация

Слово *мисли* является служебным словом (послелогом) в староузбекском языке, употребляется в основном в прозаических произведениях перед однородными членами открытой структуры и формирует синтаксическую конструкцию. Такая конструкция употребляется после членов предложений, которые сами непосредственно вступают в синтаксическую связь или употребляются в конце предложения и совпадают по смыслу со словами *каби*, *сингари* в узбекском языке.

Ключевые слова: служебное слово, синтаксическая конструкция, член предложения, однородные члены, актуальное членение, тема, рема.

SEMANTIC AND SYNTACTIC FEATURES OF FUNCTION WORD MISLI

Mardon Mehmonovic RAKHMATOV
Candidate of Philological Sciences, Associate Professor
Tashkent State University of
Uzbek Language and Literature Named after Alisher Navoi
mard66@mail.ru

Abstract

The postposition word *мисли*, used mainly in Uzbek classic prose, comes before the homogeneous parts of the sentence and forms syntactic structure. This phrase construction followed by the parts of sentences, which are able to make direct relation with syntactic, or used at the end of the sentence and denotes the meaning of other postpositions in the Uzbek language, *каби, сингари* (like, as).

Keywords: function word, syntactic construction, homogeneous parts of the sentence, design, relevant division, subject, rema.

Ўзбек тили тарихига доир ёзма манбаларда, хусусан, Алишер Навоий асарларида араб, форс тилларидан ўзлашган сўзлар кўплаб учрайди. Айрим ўзлашмалар муайян бир асар тилига хос бўлса, бошқаси барча жанрдаги асарлар тилида баравар қўлланаверган. Тарихий манбалар тилида матнда ўзининг луғавий маъноси билан бирга ўзининг ўша тилга хос грамматик хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда қўлланадиган ўзлашмалар ҳам учрайдики. Шундай грамматик шакллардан бири *мисли* вазифадош кўмакчисидир. *Мисли* кўмакчиси ёзма манбаларда XIII–XIV асрлардан бошлаб қўлланилган ва унинг қўлланиш доираси кейинги давр ёзма манбалари тилида – хоҳ насрий, хоҳ назмий асарлар бўлсин, фаоллашган.

Мисл сўзи араб тилидан ўзлашган бўлиб, тарихий асарларда *ўхшаши; худди, каби* маъноларни ифодалаган. Алишер Навоийнинг асарларида *мисл* сўзи бир нарсанинг *ўхшаши, монанди, тенги* каби маъноларни ифодалаган. Э.Фозилов шеърий асарларда унинг *ўхшатиши, қиёслаш* маъносида қўлланганлигини айтади (1, 64). У ёзма манбалар тилида арабий бирикма таркибида ҳам қўлланган: *عديم المثل* – *адимул-мисл а. тенги йўқ, мисли йўқ* каби (2, 394). Шунингдек, Алишер Навоийнинг баъзи асарларида бу сўз отлар каби эгалик шакли билан қўлланган. Масалан: *Мислинг адим – ўхшашинг, тенгинг йўқ: Билурда сенинг доғи мислинг адим* (“Садди Искандарий”). *Мисли* кўмакчиси ҳозирги ўзбек тилида ҳам фаол. У ўзининг луғавий маъносида ҳам қўлланади: *мисли йўқ – тенгги йўқ*. Шунга кўра, бу сўзга вазифадош кўмакчи сифатида қараш ўринли бўлади.

Эски ўзбек тилида истеъмомда бўлган *мисли* сўзи ҳам ҳозирги ўзбек тилдаги каби *ўхшатиши* маъносини ифодолашчи восита сифатида кенг қўлланила бошлаган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *мисли* (*мисл+и*) сўзи таркибидаги “и” форсий изофа шакли эканлиги айтилади: [а.+ф. — «мисл» сўзи изофа ҳолатда] *каби, сингари, бамисоли* маъноларида келади: *Қалбини бир оғир гам ўртарди мисли отаи*. Ҳ.Олимжон (3, 601). Эски ўзбек тилига айти шу ҳолатда –*мисли* шаклида ўзлашган.

Мисли от кўмакчиси классик манбалар тилида, хусусан, Алишер Навоийнинг шеърий асарларида *киби, бикин, янглиг* сингари туркий кўмакчилар ва *-дек* луғавий шакли ифодалаган маънога тенг келувчи

грамматик восита сифатида қўлланган. Унинг бу хусусияти ҳозирги ўзбек тилида қўлланишда бўлган шаклидан фарқ қилмайди. Масалан:

*Нун бошинда шамра янглигдур қошинг узра гирих,
Ораз узра нуқта мислидур узоринг узра хол.*

Кўмакчининг ҳар икки даврда ифодалаган маъноси ўхшаш бўлса-да, уларнинг қўлланиши – синтактик структурасида муайян фарқлар мавжуд. Эски ўзбек тилида ҳам учрайдиган бу фарқлар асосан насрий ва шеърий асарлар тилида кузатилади. Насрий асарларда *мисли* кўмакчисининг асосий хусусияти – у очик синтактик структура бошида қўлланиб, уюшиқ бўлақлардан иборат қурилмани ҳосил қилади. *Мисли* кўмакчили қурилмаси ўзи боғланаётган (маъноси аниқланаётган) сўздан сўнг қўлланади ва у жумланинг яхлит ҳолда ноанъанавий гап қурилишига эга бўлишига олиб келади. Бундай синтактик қурилма классик шеърий асарлар тилига ҳам, ҳозирги ўзбек тили гап қурилишига ҳам хос эмас. Масалан: *Ва маснавийлари ҳам мисли “Тажнисот” ва “Зул-бахрайн” ва “Зул-қофиятайн” ва “Хусн ва ишқ” ва “Носир ва Мансур” ва “Баҳром ва Гуландом” бор* (“Мажолис ун-нафоис”). Келтирилган жумладан аён бўладики, *мисли* кўмакчиси уюшиқ бўлақлардан олдин қўлланилиб, кўмакчили қурилманинг юзага келишини ва уларни яхлит ҳолда бир мазмуний гуруҳга бирлашишини таъминлаган. Уюшиқ бўлақлардан иборат кўмакчили қурилма гап таркибидаги муайян бир гап бўлагига алоқадор бўлиб, унинг синтактик ўрнини ва мазмуний яхлитлигини таъминлашга хизмат қилган. Бундай қурилмалар айни шу хусусияти билан ажратилган (аниқловчи) гап бўлақлари ёки изоҳ бўлақлардан фарқ қилади. Жумла таркибидаги *мисли* “Тажнисот” ва “Зул-бахрайн” ва “Зул-қофиятайн” ва “Хусн ва ишқ” ва “Носир ва Мансур” ва “Баҳром ва Гуландом” кўмакчили қурилмаси *маснавийлари* – эга мақомидаги гап бўлагининг конструктив қисми саналиб, яхлит ҳолда аниқловчи гап бўлаги амалида қўлланган. Қурилманинг бу тарзда шаклланиши *мисли* кўмакчисининг грамматик хусусияти билан боғлиқ. Бу фақат синтактик структурага алоқадор бўлиб, жумланинг мазмуний планига таъсир қилмаган. Уни трансформациялаш мумкин: *Ва “Тажнисот” ва “Зул-бахрайн” ва “Зул-қофиятайн” ва “Хусн ва ишқ” ва “Носир ва Мансур” ва “Баҳром ва Гуландом” каби маснавийлари ҳам бор* каби. *Мисли* сўзи билан уюшиқ бўлақлар ўзаро тенг боғловчилар ёки санаш оҳанги ёрдамида боғланган.

Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги *мисли* кўмакчиси иштирок этган гапларни ўрганиш жараёнида кўмакчили қурилманинг жумла синтактик таркибида жойлашиши масаласи эътиборимизни тортди. У ҳам бўлса, қурилманинг муайян бир муқим ўринга эга эмаслигидир, яъни кўмакчили

қурилма бевосита аниқланаётган гап бўлақларидан кейин ёки жумла сўнгида – гапнинг мазмуний маркази кесим гап бўлагидан кейин қўлланиши масаласидир. Шунга кўра қурилма:

а) бевосита аниқланаётган гап бўлагидан сўнг қўлланган: *Ва Ҳинддин қайтгандин сўнгра Исфаройинда гўша ихтиёр қилиб тоатқа машгул бўлди ва баъзи кутуб, мисли «Ажойиб уд-дунё» ва «Жавоҳир ул-асрор» Шайхнингдур* (“Мажолисун-нафоис”);

б) жумла охирида (кесимдан сўнг) қўлланган: *Деди, валлоҳ, бир кун хос асҳоб била ўлтуруб эрди. Мисли Шамсуддин Игий ва Фахруддин Ироқий ва Шарофуддин Муслий ва Шайх Саъийд Фарғоний* (“Насойим ул-муҳаббат”). Йиғилган фактик мисолларнинг гувоҳлик беришича, мазкур тур кўп қўлланган.

Юқорида таъкидланганидек, *мисли* кўмакчиси ўзининг грамматик табиатига кўра жумла синтактик қурилишида ўз ўрнига эга бўлиб, ҳар доим жумланинг конструктив бўлаги саналган уюшиқ қурилма бошида қўлланади. Кўмакчининг ушбу хусусиятини коммуникатив планда ўрганиш эҳтиёжи сезилди ва бу грамматик шаклга жумланинг актуаллаштирувчи воситаси сифатида қарашга асос бўлди. Кўмакчили қурилма жумланинг қайси синтактик позициясида қўлланишидан қатъи назар доим таъкидли характерга эга бўлади ва янги ахборотни ташиш вазифасини ўз устига олади. Бошқача айтадиган бўлсак, аниқланаётган бўлақ жумла темаси, кўмакчили қурилма эса жумла ремаси саналади. Демак, бу турдаги жумланинг мазмуний тузилишини таснифлашда *мисли* кўмакчисига жумланинг тема-рематик бўлинишини таъминловчи грамматик шакл сифатида қараш кутилган натижани беради.

Мисли кўмакчиси уюшиқ бўлақлар бошида қўлланиб, унинг жумладаги янги мазмуний марказнинг бошланишига ишора қилиш вазифасини бажаради: *Душанба куни ойнинг йигирма тўққизиди жамъи машойих ҳозир эрдилар, Мисли Шайх Али Ҳайтий ва Шайх Нажибуддин Сухравардин* (“Насойимул-муҳаббат”).

Гапнинг актуал сатҳида услубий аҳамиятли саналган нутқ шаклининг мантиқий қурилиши, коммуникатив мақсаднинг таянч нуқтаси гап бошида қўлланади. *Мисли* кўмакчиси билан шаклланган қурилма эса мазмунан мантиқий урғули таянч бўлақдан сўнг ёки у билан боғлиқ ҳолда жумла охирида қўлланган. Масалан: ... *ҳар не тиласа қилмоқ, мисли ёмгур ёғдурмоқ ва ел эстурмоқ ва сел келтурмоқ ва дафъ қилмоқ ва чувуртка офатини дафъ қилмоқ ва ҳар сурат била мутамассил бўлмоқ* (“Муҳокамат ул-луғатайн”). Мисолдан кўриниб турибдики, ушбу гапда коммуникатив мақсаднинг таянч нуқтаси – *ҳар не* воситасиз тўлдирувчиси тема, кўмакчили қурилма эса яхлит ҳолда рема саналади.

Йиғилган далилларга таяниб айтиш мумкинки, кўмакчили қурилма томонидан изоҳланаётган бўлак – коммуникатив таянч нуқта (тема) гапда асосан эга, баъзан тўлдирувчи вазифасида келган.

Актуал бўлиниш сатҳида сўз тартиби гап мазмуни билан боғлиқ бўлган тема-ремаларни фарқлаш вазифасини бажаради. *Мисли* кўмакчили қурилма (рема) ва коммуникатив таянч нуқта, яъни жумладаги маъноси аниқлаштирилаётган гап бўлаги (тема) билан боғлиқ қуйидаги грамматик ҳолатлар кўзга ташланади:

1. Маъноси аниқлаштирилаётган сўз ва кўмакчили қурилма қисмлари грамматик (бирлик-кўплик, келишик) жиҳатдан бир хилда шаклланади. Маъноси аниқлаштирилаётган сўз арабий кўплик шаклида ёки туркий –лар кўплик шакли билан қўлланган. Кўмакчили қурилмаларда эса кўплик шакли -лар саналаётган бўлақлардан сўнг қўлланади. Арабий кўплик шаклидаги сўз билан: *Теграсидаги эл анинг ишидин мутаҳаййир бўлуб, фавж-фавж ани кўргали борурлар эрди ва шижоатиға ҳайрон қолурлар эрдиким, беша сабоини: мисли қоплон ва арслон ва сойир даррандалар кўп ўлтурур эрди* (“Мезон ул-авзон”). Туркий кўплик шаклидаги сўз билан: *Ва багоят беназир боғланиб, яна ишлар ҳам мисли “қавл” ва “газал” ва “чорзарб”дек ва “савт”ва “нақиш” худ беҳадду аدد боғлабдур...*(“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”).

Аниқловчи сўз арабий кўплик шаклида, аниқланмиш сўзда эса грамматик кўплик шакли қўлланмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолларда кўплик маъноси саналаётган уюшиқ бўлақлар орқали англашилади: *Омма машойих анинг мажлисида эдилар, мисли Шайх Али Ҳайтий ва Шайх Бақо б. Боту ва Шайх Абу Саъд Қилавий ва Шайх Абуннажиб Сухравардий ва Шайх Жогир ва Шайх Қазиб ул-бон Мавсилиий ва Шайх Абус-Суъуд* (“Насойим ул-муҳаббат”).

Мисли кўмакчиси билан шаклланган кўмакчили қурилмалар (уюшиқ бўлақлар) маъноси аниқлаштирилаётган сўз билан грамматик сонда мослашмаса ҳам, бир хил келишиқда бўлади: *Ва неча қоидау доира ва вазнким, ҳеч арузда мисли фан возии Халил ибни Аҳмад ва илм устоди Шамс Қайскутубида ва Хожжа Насир Тусийнинг «Меъёр ул-ашъор»ида, балки Ҳазрати Маҳдумий навара марқадаҳу нуран «Аруз»ларида йўқ эрдиким, бу фақир бу фан усулидин истихрож қилиб эрдиким, бу китобға изофа қилдим* (“Мезон ул-авзон”). Жумладаги умумлаштирувчи *аруз* орқали аруз илми, фани ҳақида сўз бормоқда. Шунинг учун аруз ҳақидаги китоблар муаллифлари билан бирга саналмоқда.

2. *Мисли* кўмакчисининг маъносини кучайтириш, таъкидлаш мақсадида кўшимча равишда унинг туркий маънодоши – ўхшатиш воситаси -дек шакли

хам қўлланган: *Ва бағоят беназир боғланиб, яна ишлар ҳам мисли “қавл” ва “газал” ва “чорзарб”дек ва “савт” ва “нақш” худ беҳадду аدد боғлабдур*(“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”).

3. Кўмакчили қурилма мазмуний планидаги ўзгариш юз бериши натижасида аниқловчи+аниқланмиш бирикмаси таркибида қўлланиб, ўзига хос синтактик структуранинг содир қилган. Бундай жумлаларда тема-рема бўлиниши шунга мувофиқ тарзда ўзгаради: *Ул асрнинг бу фанда моҳирлари мисли Устод Муҳаммад Хоразмий ва Мавлоно Нуъмон ва Мавлоно Соҳиб Балхий ва Шайх Сафойи Самарқандий ва Хожа Юсуф Андижонийдек кишиларнинг таснифоти муқобаласида ишлар ясабдур* (“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”).

4. Маъноси аниқлаштирилаётган бўлак бирикмали бўлганда, уларнинг бири такрорланиши, тавталогияга учраши мумкин: *Ва Шайх сулук ва саёҳат замонида Хуросон ва Ироқ машойихининг кўпи суҳбатига, мисли Шайх Шиҳобуддин Суҳравардий ва Шайхи олам Шаих Сайфуддин Бохарзий ва Сарийи Сақатии ва Шайх Авҳадуддин Кирмоний ва Ҳинд машойихидин Шайх Баҳоуддин Закариё Мултоний қ. с. суҳбатларига етибдур* (“Насойим ул-муҳаббат”). Маъноси аниқлаштирилаётган бўлак бирикмали бўлганда улардан бири кўмакчили қурилма томонидан галма-гал изоҳланади: *Зоҳирий ва ботиний улумга олим эрмиши ва назму наср кутуб мусаннафоти бор: Назмдин мисли “Канз ур-румус” ва “Зод ул-мусофирин” ва “Си нома” ва газал девони ва насрдин мисли “Нузҳат ул-арвоҳ” ва “Сирот ул-мустақим”* (“Насойим ул-муҳаббат”).

Мисли кўмакчиси эски ўзбек адабий тилида норма сифатида қўлланган ва унинг классик шеърый матнлардаги ва ҳозирги ўзбек тилидаги шаклидан фарқли жиҳатларга эга: морфологик жиҳатдан ҳозирги ўзбек тилидаги *каби, сингари* кўмакчисиларига ўхшаш хусусиятларга эга; кўмакчи ҳар доим ортик очик структурали уюшиқ бўлаклар билан қўлланган; кўмакчининг синтактик ўрни уюшиқ бўлакларнинг бошида бўлиб, кўмакчили қурилма яхлит ҳолда жумла таркибидаги бирор-бир гап бўлаги билан синтактик алоқага киришган; жумла кўмакчили қурилма билан яхлит ҳолда мураккаб синтактик структурани ҳосил қилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Э.Фозилов. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили. – Тошкент, Фан. 1969. – Б.88. Навоий асарлари луғати. – Тошкент, Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1973. – Б.784.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – Б.671.